

Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларига
3-6-ИЛОВА

ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ								
1.	Тўлик:	“Madad Invest Bank” акциядорлик тижорат банки						
	Қисқартирилган:	“Madad Invest Bank” АТБ						
	Биржа тикерининг номи:*	мавжуд эмас						
АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ								
2.	Жойлашган ери:	100077, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам, 6-тор кўчаси, 9-уй						
	Почта манзили:	100077, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам, 6-тор кўчаси, 9-уй						
	Электрон почта манзили:*	info@madadinvestbank.uz						
	Расмий веб-сайти:*	www.madadinvestbank.uz						
МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ								
Муҳим фактнинг рақами:		06						
Муҳим фактнинг номи:		Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар, шу жумладан кузатув кенгашининг акция, корпоратив облигация ва бошқа қимматли қоғозларни чиқариш бўйича қарорлари						
Умумий йиғилиш тури:		Кузатув кенгаши мажлиси						
Умумий йиғилиш ўтказиш санаси:		21.10.2024 йил						
Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана:		21.10.2024 йил						
Умумий йиғилиш ўтказилган жой:		Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам, 6-тор кўчаси, 9-уй						
Умумий йиғилиш қворуми:		80%						
3.	№	Овоз беришга қўйилган масалалар	Овоз бериш якунлари					
			ёқлаш		қарши		бетарафлар	
			%	Сони	%	сони	%	сони
	1.	“Madad Invest Bank” акциядорлик тижорат банки устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва қўшимча акцияларини чиқариш ҳақида қарор қабул қилиш.	100%	4	0	0	0	0
2.	“Madad Invest Bank” акциядорлик тижорат банки қўшимча чиқарилаётган акцияларининг жойлаштириш тартиби ва муомалага киритиш шартларини белгилаш.	100%	4	0	0	0	0	
3.	“Madad Invest Bank” акциядорлик тижорат банкининг Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш.	100%	4	0	0	0	0	
Мажлис томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:								
1.	1. “Madad Invest Bank” акциядорлик тижорат банки устав капиталининг миқдори номинал қиймати 5 000 (беш минг) сўм бўлган 30 000 000 (ўттиз миллион) дона умумий қиймати 150 000 000 000 (бир юз эллик миллиард) сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан 350 000 000 000 (уч юз эллик миллиард) сўмдан 500 000 000 000 (беш юз миллиард) сўмга етказилсин.							
	“Madad Invest Bank” акциядорлик тижорат банкининг, эълон қилинган акциялари доирасида, номинал қиймати 5 000 (беш минг) сўм бўлган 30 000 000 (ўттиз миллион) дона, умумий қиймати 150 000 000 000 (бир юз эллик миллиард) сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги қўшимча акциялари муомалага чиқарилсин. Муомалага чиқариладиган акциялар ёпиқ обуна орқали Банк акциядорлари орасида жойлаштирилсин.							
2.	2. “Madad Invest Bank” акциядорлик тижорат банкининг номинал қиймати 5 000 (беш минг) сўм бўлган 30 000 000 (ўттиз миллион) дона умумий қиймати 150 000 000 000 (бир юз эллик							

миллиард) сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги қўшимча чиқарилаётган акцияларининг жойлаштириш тартиби ва муомалага киритиш шартлари қуйидагича белгилансин:

1) Чиқарилаётган акциялар Банк акциядорларининг имтиёзли равишда олиш ҳуқуқи қўлланилган ҳолда қуйидаги акциядорлар ва инвесторларга ёпиқ обуна усули билан жойлаштирилади:

Т/р	Акциядор ёки инвестор номи / Ф.И.Ш.	Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) / Жисмоний шахснинг шахсий идентиф рақами (ЖШШИР)
1.	YO'LDASHEV MUMINJON SHOKIRJONOVICH	31802764270055
2.	YO'LDASHEVA DILNOZA ISMOILJONOVNA	41806804310014
3.	SHOKIRJONOV RAVSHANJON MO'MINJON O'G'LI	52411016890018
4.	SHOKIRJONOV DALER MO'MINJON O'G'LI	51105036890011
5.	SHOKIRJONOVA RAXSHONA MUMINJONOVNA	62602066890025
6.	"LOG'ON AGROSANOAT LYUKS" масъулияти чекланган жамияти	300878434

2) Чиқарилаётган акциялар ваколатли давлат органи томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 365 (уч юз олтмиш) кун давомида жойлаштирилади.

- акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги хабар ва акциядорларнинг акцияларни имтиёзли олиш ҳуқуқи тўғрисидаги билдиришнома қонунчиликка мувофиқ эълон қилинган кундан эътиборан ўн биринчи кун, бироқ имтиёзли олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати ўтгунига қадар Банкнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, акцияларни жойлаштириш ушбу аризалар келиб тушган кундан кейинги иш кунида бошланади. Агар акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси дам олиш кунига тўғри келса, унда акцияларни жойлаштириш кейинги биринчи иш кунида бошланади.

- акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – ушбу чиқарилишнинг сўнгги акцияси жойлаштирилган кун, бироқ акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, ушбу акциялар ваколатли давлат органи томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 360 (уч юз олтмиш) кундан ошмаслиги лозим.

3) Чиқарилаётган акциялар уюшмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида тўғридан-тўғри фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш орқали қонунчиликда белгиланган тартибда жойлаштирилади.

Акциялар жойлаштирилиши жараёнида андеррайтерлар жалб қилиниши кўзда тутилмайди.

Акциядорларнинг имтиёзли олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугагунига қадар чиқарилаётган акциялар имтиёзли ҳуқуққа эга бўлмаган шахсларга жойлаштирилмайди.

Акциядорларнинг имтиёзли олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугагандан кейин қолган акциялар қуйидаги акциядорлар ва инвесторларга ёпиқ обуна усули билан жойлаштирилади:

Т/р	Акциядор ёки инвестор номи / Ф.И.Ш.	Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) / (ЖШШИР)
1.	YO'LDASHEV MUMINJON SHOKIRJONOVICH	31802764270055
2.	YO'LDASHEVA DILNOZA ISMOILJONOVNA	41806804310014
3.	SHOKIRJONOV RAVSHANJON MO'MINJON O'G'LI	52411016890018
4.	SHOKIRJONOV DALER MO'MINJON O'G'LI	51105036890011
5.	SHOKIRJONOVA RAXSHONA MUMINJONOVNA	62602066890025
6.	"LOG'ON AGROSANOAT LYUKS" масъулияти чекланган жамияти	300878434

4) Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга.

Акциядор ушбу чиқарилишдаги акцияларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Банк акцияларини имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхати 2024 йил 21 октябрь куни ҳолатига шакллантирилган Банк акциядорлари реестрининг маълумотлари

	<p>асосида тузилади.</p> <p>Имтиёзли ҳуқуқ амалга оширилган тақдирда, акциядорлар акцияларнинг фақат бутун миқдорини олиши мумкин.</p> <p>Банк акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан 10 (ўн) кун ичида оммавий ахборот воситаларида билдиришномани эълон қилиш орқали ўзининг имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорларига акцияларни олишни таклиф этади.</p> <p>Билдиришнома матнида жойлаштирилаётган акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг бу ҳуқуқи амал қиладиган муддат ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.</p> <p>Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни Банкка (Банкнинг Бош офиси, филиаллари ёки банк хизматлари офислари (марказлари) орқали) юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида Банкка (Банкнинг Бош офиси, филиаллари ёки банк хизматлари офислари (марказлари) орқали) тақдим этилиши керак.</p> <p>Акциядорларнинг акцияларни имтиёзли олиш ҳуқуқи билдиришнома эълон қилинган пайдан эътиборан 10 (ўн) кун давомида амал қилади.</p> <p>Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати, агар бу муддат ўтгунига қадар Банкнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди.</p> <p>Имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.</p> <p>5) Чиқарилаётган акциялар, шу жумладан имтиёзли ҳуқуқ бўйича 5 000 (беш минг) сўмдан жойлаштирилади.</p> <p>6) Акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида фақат пул маблағлари билан нақд ва (ёки) нақдсиз шаклда қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.</p> <p>Акциялар тўланишига келиб тушадиган нақд ва (ёки) нақдсиз шаклдаги пул маблағлари, шу жумладан пластик карталардаги пул маблағлари кўчирилиши лозим бўлган банк реквизитлари – номи: “Madad Invest Bank” акциядорлик тижорат банки (қисқа номи: “Madad Invest Bank” АТБ), ҳисобварағи: 29830000100001142001, банк коди (МФО): 01142, манзили: 100077, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам, 6-тор кўчаси, 9-уй бўйича қабул қилинади.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ, акциялар учун тўланган пул маблағлари Банк-эмитентнинг тегишли ҳисобварақларида ҳисоби юритилади.</p> <p>7) Чиқарилаётган акцияларнинг олтмиш фоиздан кам қисми жойлаштирилганда, ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб эътироф этилади.</p> <p>Ушбу акциялар чиқарилиши қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан амалга ошмаган деб топилган тақдирда, Банк томонидан ушбу ҳолат тўғрисида маълумот оммавий ахборот воситаларида, Корпоратив ахборот ягона порталида ва ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.</p> <p>Акциялар учун тўланган маблағлар жисмоний шахс инвесторнинг (акциядорнинг) аризасида кўрсатилган банклардаги ҳисобварағига ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган кундан бошлаб, 10 (ўн) кун давомида тўлиқ ўтказиб берилади.</p>
3.	<p>3. “Madad Invest Bank” акциядорлик тижорат банкининг Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарори иловага мувофиқ тасдиқлансин.</p> <p>Акциялар чиқарилишини қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш Банк Бошқаруви зиммасига юклатилсин.</p>
Уставга киритилаётган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчаларнинг матни**: мавжуд эмас	